

TA'LIM TIZIMINI MODERNIZATSIYALASH JARAYONIDA YOSHLARDA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHNING INNOVATSION YO'NALISHLARI

RAXMANOV ABDURAUFXMANOV MUXAMMEDOVICH,
Toshkent moliya instituti, dos.v.b.
"Ijtimoiy fanlar" kafedrası
abduraufxmanov19713534@gmail.com
[https://doi.org/10.47689/STARS.univer-](https://doi.org/10.47689/STARS.university-5-pp42-47)
sity-5-pp42-47

Annotatsiya: Ushbu maqolada bugungi kunda O'zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar jarayonida modernizatsiya va innovatsion rivojlanishga berilayotgan e'tibor haqida so'z boradi. Ayniqsa jamiyatni modernizatsiyalash jarayonida yoshlarda tadbirkorlik faolligini shakllantirishda ta'lim tizimining o'rni xususida hamda modernizatsiya va innovatsiya tushunchalariga olimlarning bergan ta'riflari va bu boradagi fikr – mulohazalari tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: modernizatsiya, texnologiya, tadbirkorlik, globalistika, kommunikativ, lingvistika, antropologiya, g'oya, innovatsiya, operatsion tizim, sxema, USB, tafakkur, iqtisodiy rivojlanish, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-ma'naviy.

Бугунги ҳолат юқори технологиялар, инновациялар замонидир. Ўзбекистон ҳам ўз олдига илмий ютуқларга таяниб инновацион иқтисодиётга ўтишни мақсад қилиб қўйган. Бу жараён айниқса мамлакатни модернизация қилиш билан ҳам боғлиқ.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”[1] деб номлаш бўйича таклифи натижасида мамлакатимизда модернизация жараёнларини инновациялар асосида изчил амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ўзбекистондаги модернизация соҳасини бориши аҳоли томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда. “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган тадқиқотда иштирок этган 65,5 фоиз фуқароларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги энг ижобий жиҳатлар бу – таълим тизimini модернизациялаш, такомиллаштириш, мактабгача таълим, умумтаълим, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилгандир [2]. Ижтимоий фикр сўровномасида иштирок этган респондентлар республикаимизда илм-фанни тараққий эттириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятни ошириш, етишиб келаётган ҳамда таълим олаётган

ёшларни замонавий, халқаро талаблар стандартига жавоб бера оладиган етук мутахассислар этиб тайёрлаш, жамият соҳаларини технологиялар билан янгилаш ҳар доим устувор вазифа бўлганлигини қайд этдилар. Респондентлар Фанлар академияси фаолияти, қатор илмий-тадқиқот муассасалари ва марказларининг тикланиши, ёш, иқтидорли олимларга Президент томонидан берилаётган эътиборни алоҳида кўрсатиб ўтган.

Модернизация даврида янги ғоялар, технологиялар, назариялар пайдо бўлади. Буларга информатика, глобалистика, коммуникатив лингвистика, маданий антропология каби фанлардаги янги йўналишлар мисол бўла олади. Аслида модернизация муаммоси ўта долзарб бўлганлиги учун унга қизиқиш кундан кунга ошиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон олимлари ҳам бу жараёни турлича таҳлил қиладилар ва илмий изланишлар олиб бордилар ва бормоқдалар. Хусусан, А.Бегматов, С.Норқулов асарларида ана шу муаммолар ёритиб берилган. Модернизация жараёнларига илм-фан ва янги технологияларнинг таъсири, уларнинг ўзаро алоқадорлиги файласуфлар М.Абдуллаева, С.Отамуродов, И.Саифназаров, Б.Тўйчиев, М.Нурматова, С.Мамашокиров, А.Қодиров, Ғ.Ғаффаровалар томонидан олиб борилган. Қуйидаги тадқиқотчилар томонидан эса ёшларда модернизация ҳақидаги дунёқарашни кенгайтириш билан боғлиқ фикрлар ўртага ташланган. Булар қаторига тадқиқотчи олимлардан Ш.Мадаева, К.Туленова, И.Хўжамуродов, М.Қаҳҳарова, К.Джавокова, Ф.Юлдашевларни киритиш мумкин. Модернизациянинг илмий билиш ва ижтимоий муносабатлардаги ўрнини Н.Шермухамедова, Р.Баҳодиров, Э.Иззетовалар илмий асослашга ҳаракат қилганлар.

Энди инновация ва у ҳақида ўтмишда ва ҳозирги даврдаги фикрларни кенгроқ таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, ўрта асрлар Шарқ алломалари орасида Абу Наср Форобийнинг давлат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги фикрлари ҳозиргача илмий жамоатчиликнинг эътиборида бўлиб келади. Мутафаккирнинг давлат бошқарувига янгиликларни жорий этиш ва шу орқали фаровонликни таъминлаш тўғрисидаги фикрлари бизнинг давримиз учун ҳам долзарб аҳамиятга эгадир. “Баъзан раҳбарлар бир шаҳарнинг соҳибкори, шаҳар халқи ҳаётига тегишли ишларда тадбиркор бўлади. Улар бу йўл-йўриқларни ўтмишда кечган бошлиқлардан ўрганадилар, лекин шу билан бирга, раҳбар келажак учун ўтмишдаги расм-русум, йўл – йўриқларни ислоҳ қилиши лозим ва фойда топса турмуш шароити тақозосига қараб уларни ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишнинг талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай энгиллик, ўзгариш ва ўсиш бўлмайди” [3]. Демак, ушбу фикрда айнан, инновация сўзи ишлатилмаган бўлса-да, унда инновация сўзини асл маъноси бор. Ҳар бир даврнинг ҳам ўзига хос бошқарув усули бўлганидек, ўша даврда яшаб ўтган раҳбарлар, ўзидан олдинги раҳбар шахсларни жамият йўлида олиб борган кенг кўламли халқчил ислохотларини давом эттириши ва улар томонидан жамият бошқарувида ижобий самарага эришишда қўлланган метод ва технологиялардан унумли фойдаланиши ҳамда ўзи олиб бормоқчи бўлган кенг кўламли ислохотларни шунинг замирида қуриши лозим.

Ушбу соҳада Абу Али ибн Синонинг ҳам фикрлари диққатга сазовордир. Мутафаккирнинг инсон фаолиятида билимнинг ўрни ва аҳамияти, олинган

билимларни ҳаётий турмушда қўллаш борасидаги мулоҳазалари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг фикрича, инсоннинг маънавий-руҳий олами билиш, билим олиш ва амалий ҳаёт давомида шаклланади. Зеро, ҳаёт билимсиз бўлиши мумкин эмас, билим эса амалиётсиз бефойдадир.

Инновация тушунчасининг шаклланишига эътибор берсак, бу тушунча фалсафий адабиётларда асосан XIX асрнинг охирларидан қўлланила бошлангани маълум бўлади.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да ушбу тушунча “инновация” (инг. Innovations – киритилган янгилик, ихтиро) -1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодийга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилиши” [4] деб таърифланади.

Тадқиқотчи А.Эгамбердиев эса инновацияни қуйидагича таърифлайди: “Инновация – жамият аъзоларининг янгича тафаккур ва фаолиятига асосланган ҳолда моддий ва маънавий бойликлар яратиш жараёни бўлиб, унинг натижасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ижобий ўзгаришлар вужудга келди”[5]. Қўриниб турибдики, инновация тушунчасини таҳлил қилишда бир хил ёндашиш йўқ. Сабаби инновация сўзи турли соҳаларга тааллуқли бўлгани туфайли шундай хусусиятга эгадир. Аслини олганда бу тушунчага Европа олимлари ҳам бир жавоб тополганлари йўқ. Инновация сўзига таъриф берган европалик олимларнинг таклиф ва мулоҳазаларига эътиборни қаратамиз. Жумладан, Йозеф Шумпетер инновацион тараққиёт назариясининг асосчиларидан биридир. Унинг фикрича, иқтисодий ривожланиш янгиликлари халқ хўжалигининг турли тармоқларига илмий янгиликларни татбиқ этилишига асосланади. Бунинг натижаси иқтисодий жараёнларга ёки маҳсулотнинг сифатига таъсир кўрсатади ва инновацияларнинг мазмун-моҳиятини қуйидаги қисмларга ажратиб хулоса қилади: нарсанинг ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган янги товар ёки янги сифатга эгаллиги; синаб кўрилмаган янги усул асосида ривожланаётган ишлаб чиқариш соҳаси; янги товарлар кириб бормаган бозорларнинг ўзлаштирилиши ва ривожлантирилиши; ишлаб чиқариш тармоғидан янги манбаларнинг очилиши; соҳада янги йўналишнинг яратилиши. [6] Инновация тушунчасига бундай ёндашув кўпроқ иқтисодий нуқтаи назардан ёритилган. Қисмлардан сезиладики, муаллиф иқтисодий нуқтаи назардан инновация сўзи таҳлил қилинган бўлса-да, иш юритилиши жиҳатидан тадбиркорлик унсурларига назар ташлаб, тадбиркорлик соҳасида янгиликлар киритиш эканлигини унутмаган. Унумли фаолият, яъни тадбиркорликда инновацияни – янгиликларни олиб кириш юқори самара беришни таъкидлаган. Инновация ҳақида батафсил фикр юритганлардан бири Питирим Сорокиндр. Унинг фикрича, “...тараққиёт цикллариининг динамикаси жараёнида инновацияларнинг муҳим ўрнини асослаб берди, бу тушунчани флукуация сифатида талқин этди ва давлат (катта-кичик тизимлари)даги иқтисодий вазият ижобий ва салбий томонга ўзгариб туришини таъкидлайди”[7].

Инновацияга ёндашувчилардан яна бири Скотт Беркундр. У инновация бу- энг аввало, ғоядир, деб, таъкидлайди. Ғоялар ҳеч қачон якка ҳолда пайдо бўлмайди ва ўзи билан бирга янги мазмундаги ғояни олиб келади. Жумладан,

компьютер клавиатураси. Унга боғлиқ ҳолда компьютернинг бир неча қисмлари пайдо бўлади. Бу ғоялар XX асрда юзага келган ва ижтимоий муҳитга кирган, улар нарсаларнинг ўзаро бирлашувини ифода этган. Клавиатура ўзида ёзув машинкаси, электр энергияси, пластмасса, операцион тизим, схема, USB каби илгари яратилган янгиликларни ифода этади. Шу нуқтаи назардан инновацияларга ҳам юқоридаги тенденцияларни татбиқ этиш мумкин.[8]

Инновациялар бўйича фалсафий кўринишда тадқиқотлар олиб борган Скотт Элиас АҚШ инновация жараёнининг асосини қадимги давр билан боғлайди. Аниқроғи ижодга яқин қўяди. “Илмий ижод тараққиётида инсон ақлининг роли, унинг мураккаблашиб бориши, ижтимоий ақл, фандаги кашфиёт ва буларнинг натижасида ижоднинг янги моделларининг юзага келиши муҳим илмий аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди”[9]. Шундан келиб чиқиб фалсафий ижоднинг қадимги шакллари бугунги инновацияларнинг асосини ташкил этади.

Россиялик О.Шупленьков инновацияни жамиятда ўзгариш асосида инсон яратувчилик фаолияти нуқтаи назаридан таҳлил қилади ва унга қуйидагича таъриф беради: “Инновация яратувчилик, моддий ва номоддий маданиятнинг янги элементларини (моделлар, шакллар) у ёки бу ижтимоий тизимда тан олиниши ёки қўлланилиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришларнинг натижаси сифатидаги жараёндир” [10]. Бу нисбатан инновация сўзини ижтимоий-фалсафий мазмунини аниқроқ ёритиб берган таърифда фалсафий даражада тушунтиришга бўлган интилишни сезамиз. Қайд этиш лозимки, инновацион жараённинг бунёдкорлик жиҳати инсон-халқ фаровонлигини таъминлашнинг мустаҳкам асоси ҳамдир.

Юқорида биз инновация сўзининг келиб чиқиши, тараққий этиши ҳақида фикр юритган олимларнинг мулоҳазалари билан танишар эканмиз, ушбу тушунча мазмун-моҳияти билан ҳам янги фалсафий тушунчага яқинлигини сезамиз.

Таъкидлаш лозимки, баъзи тадқиқотчилар янгилик ва инновация сўзларининг моҳияти ва мазмунини бир-биридан ажратадилар. Т.З.Тешабаев “Бирон-бир янгиликдан инновациялар қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

- инновациялар шунчаки янгилик бўлмасдан мавжуд тизимни тубдан ислоҳ қилиш учун баъзан шароит яратиб беради;

- инновациялар жамият тараққиётида амалий жиҳатдан фойдали бўлиш хусусиятига эга ;

- инновациянинг тадбиркорлик нуқтаи назаридан жамият умумий салоҳиятига самара келтириши кутилади”[11] деб, таъкидлайди. Биз ушбу муаллиф фикрига қўшилган ҳолда бу тушунчаларни мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, ўз ўрнида ишлатишни таклиф этган бўлар эдик. Зеро, тушунчаларни фарқиға бормасдан аралаштириб моҳиятига қараб мулоқотга олиб кирилмаса, оқибатлари салбий бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамиятни ривожлантиришда, модернизация қилишда ёш тадбиркорлар нималарга, қайси йўналишларга диққат-этиборини қаратиши лозимлиги айниқса муҳим ва долзарб, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, модернизация жараёнида таълим соҳасидаги инновациялардан хабардор бўлган ёш тадбиркор ўзини келажақдаги фаолиятини аниқ тасаввур қила олади. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий жа-

раёнлардан қайсисига ўз имкониятини амалга ошира олади, шу устида бош қотиради, аниқроқ айтадиган бўлсак, ёмон-яхшини ажратиб олади.

Умуман олганда таълим соҳасидаги инновацияга ҳар томонлама ёндашиб, энг асосий йўналишларни танлаб ҳаётга татбиқ этиш давр талабидир. Тадбиркорнинг инновацион онгини ривожлантириш ҳам таълим тизимига боғлиқ, деб ўйлаймиз. Ёш тадбиркор жамият тараққиёти жараёнига мослашиб иш олиб бориши зарур. Муаммога ижодий ёндашиш натижасида инновацияни ҳаётга татбиқ этиш мумкин. Бу эса иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ривожлантиришни тизимлаштиради. Инновациялар ёш тадбиркор фаолиятини ўзига хос ўлчовларига, айнан миллий қадриятлар тузилишининг асосий унсурига айланишига етаклайди.

Агар улар етакчилик хусусиятларини ўзларида жам этсалар, халқимиз ҳаётини замонавий эҳтиёжларини қондиради ва интеллектуал имконияти етарли бўлган креатив таҳлил қилиш ҳамда ёшларни эргаштира олиши туфайли инновацион ҳаракатни амалга оширади ва инновацион хусусиятга эга бўлган жамият шаклланиши учун маълум даражада фойда келтиради.

Ёш тадбиркорлар учун инновацион йўналишлардан бири тафаккур усулидан фойдаланишдир. Чунки ҳар қандай фикр, янгилик тафаккур орқали амалга ошади. Шу маънода айтиш мумкинки, мамлакатимиз ижтимоий-гуманитар фанлар муаммоларини инновацион қайта қуриш, даврига қадам қўйди. Ушбу жараённинг таъсири нуқтаи назаридан фалсафий методологияга эътибор қаратди. Креатив тафаккур этиш муаммосини ҳал қилиш нафақат ёш тадбиркорлар, балки ҳар қандай тадбиркор учун зарур. Қобилиятни ривожлантириш ҳам тафаккур жараёнига боғлиқ. Демак, ёш тадбиркор ўз тафаккури доирасини ҳам кенгайтириб бориши ўта муҳимдир. Ижтимоий онг ва тафаккурнинг ривожланишида янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Зеро, тафаккур қилиш инновацион ғояларнинг келиб чиқишига имкон яратади. Бу эса ёш тадбиркорлар учун керакли имкониятларни очиб беради. Мазкур имконият эса ёш тадбиркорларга фаолият юритишида қўл келади. Фикрлаш қобилиятига таъсир қилади. Мантиқий хулосалар чиқаришга ундайди. Тадбиркорлик кенг жабҳаларни қамраб олади ва олмоқда. Булар ҳатто математика, физика, фазовий ҳодиса бўладими, мусиқа, адабиёт, санъат, спорт соҳаларини ҳам ўзида жамлайди. Ёш тадбиркор эса ушбу соҳаларни ҳам мушоҳада қилишга, таҳлил қилишга интилиши лозим. Бу жараёнлар тафаккур образлари орқали амалга ошади. Маълумки, тафаккур нима деганда, тафаккур предмет ва ҳодисаарнинг инсон онгида мавҳумлашган ёки абстракциялашган ҳолда акс этишига тушунилади. Демак, инновацияда ҳали ривожланмаган, ҳаётда учрамаган предмет ва ҳодисаларнинг ана шу тафаккур орқали намоён қилиш хусусиятини ҳам унутмаслик керак. Ислохотлар жараёнида жамият аъзолари бўлган ёшларнинг фаолият турлари, уларнинг ақлий фаолияти ва тафаккурини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- <https://kun.uz/news/2017/12/22/savkat-mirzиеev-2018-jil-nomini-elon-kildi>
“Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази расмий веб-сайти. http://ijtimoiy-fikr/uz/ru/novosti/cociologicheskiy_oprosgrajdane_uzbekistana_O_poslanii_prezidenta_strani_oliy_majlisu
- 1.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. – 189-190.
 - 2.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.4. – Тошкент: 2002. – Б.169
 - 3.Эгамбердиев А.А. Ўзбекистонда модернизациялаш шароитида ёшларда инновацион онг шаклланишининг ижтимоий-фалсафий муаммолари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган Диссертация 2019 йил 40-бет
 - 4.Шумпетер Йозеф. Теория экономического развития. Москва: Директмедия Паблишинг, 2007.-С 159.
 - 5.Сорокин П. Социальная и культурная динамика. – Санкт Петербург: СПб-ХГУ, 2000.-С.666.
 - 6.Scott Berkun. The Myths of Innavaion. Published by O'RellyMedia Inc., Sebastopol, 2007. P. 7.
 - 7.Skott Elias. Developments in Quaternary Science. 2012. Volume 16. – P.1.
 - 8.Шупленьков.О.В. Промлема формирования инновационной личности в современном обществе // Психология и психотехника, 2013.-№8.-С.21
 - 9.Тешабоев Т.З. Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фан.номзод...дисс Тошкент 2009,-Б.27-28.